

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

АТ Халқ банки Сурхондарё
вилоят филиали бошлиғи-
комиссия раиси

Т.Х.Турсунов

“07” декабр 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Термиз – 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома.

II. Техник қисм.

III. Нархлар қисми

I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ.

1.1 Танлов предмети: АТ Халқ банки Сурхондарё вилояти Бойсун филиалига янги замонавий бино қуриш учун лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш

1.2. Танлов қиймати 252 000 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Маҳсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун.

1.5 Маҳсулотни олиб келиш муддати - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 АТ Халқ банки Сурхондарё вилояти Бойсун филиали (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Бойсун тумани, Тутбозор МФЙ 50 уй. Э.Адрес:
b.xolbekov@xb.uz

2.2. Танлов “Буюрмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов АТ Халқ банки Сурхондарё вилоят филиали “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқати ва ваколатлар;

- Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 % фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағлар миқдори.

Молиявий натижалар;

Ишчи ходимларнинг иш стажи ва махсус лицензияга эга эканлиги

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3 Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бопқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:

* Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

* Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак;.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларини яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳуқуқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ.

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириш мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. Бошқа шартлар

7.1 . Давлат буюрмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот узайтирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгатишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кунига давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

АТ Халқ банки Сурхондарё
вилоят филиали бошлиғи-
комиссия раиси

Т.Х.Турсунов

“07” декабр 2022 йил



ТЕХНИК ВАЗИФА ВА ШАРТЛАР

АТ Халқ банки Сурхондарё вилояти Бойсун филиалига янги замонавий бино қуриш учун лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича

Ушбу бўлим танлов (конкурс) мавзуларига оид аниқ қоидаларни ва танлов ҳужжатларининг бошқа бўлимларида келтирилган маълумотлардан ёки талабларини ўз ичига олади

№	Бўлим номи	Бўлимлар учун тушинтиришлар
1	Буюртмачи	АТ Халқ банки Сурхондарё вилояти Бойсун филиали
2	Танлов мавзуси ёки номи	АТ Халқ банки Сурхондарё вилояти Бойсун филиалига янги замонавий бино қуриш учун лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш
3	Конкурс тартиб рақами	№1
4	Буюртмачи манзили	Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти Бойсун туман Тугбозор МФЙ 50 уй
5	Алоқа учун шахс	АТ Халқ банки Сурхондарё вилояти Бойсун филиали 90 410 44 04,
6	Танлов эълони эълон қилинган жой	Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси https://etender.uzex.uz/
7	Иштирокчилар танловда иштирок этишларига рухсат этилади	Юридик шахслар бирлашмалари (консорциумов) танловда иштирок этишга йўл қўйилмайди.
8	Товар (иш, хизматларнинг) нархи	252 000 000 UZS (Икки юз эллик икки миллион) сум.
9	Танлов ўтказиладиган жой манзили:	www.etender.uzex.uz

10

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

- Танлов иштирокчилари юридик шахс сифатида давлат реестридан руйхатдан ўтган бўлиши шарт.
- Шартнома тузиш бўйича қонуний ҳуқуқга эга булиш шарт
- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўқлиги:
- Уларга нисбатан банкротлик таомили бўйича маълумотлар
- Нохалол ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида қайднинг мавжуд эмаслиги.
- Иштирокчилар ишларни, товарларни бажариш (хизмат кўрсатиш) учун зарур мутахассислар ва ресурсларга, касбий ва техник малакага, шу каби объектлар ҳужжатларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш бўйича тажриба ва қўникмага, шартномани тузиш пайтида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ваколатга эга бўлиши керак.
- Техник вазифада келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши шарт.
- товарлар шартномада келтирилган вақтдан кечиктирмаган сифатли ҳолатда буюртмачига етказиб берилиши шарт.
- Махсулотга расмий ишлаб чиқарувчининг сертификати мавжудлиги.
- Махсулотнинг техник параметрлари ва ишлаб чиқарувчиси курсатилиши керак.
- Танлов иштирокчисининг омборида махсулот мавжудлиги.
- Танлов иштирокчисининг моддий таъминланганлиги (Танловнинг бошланғич суммасининг камида 30% маблағига эга бўлиши) ва йиллик маблағ айланмаси.
- Танлов иштирокчиси томонидан махсулотларга кафолат бериш ва унинг муддати.

Лойиха ҳужжатларини ишлаб чиқишда бажарилиши лозим бўлган ишлар:

- А) Фасад эскизлари, биноларнинг режаси ва бинонинг жойлашуви учун планшет шаклида камида 3 вариантни ишлаб чиқиш ва буюртмачи билан келишиш;
- Б) 3D форматда ички ва ташқи дизайн лойихаларини 3 та вариантда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- В) Лойиха смета ҳужжатларини АПЗ (1-2-қисмлари) ва бўлимлар бўйича лойиха топшириғи (ёки нуқсонли далолатномага мувофиқ ишлаб чиқиш);
 - Умумий режа
 - Темир бетон конструкциялар
 - Архитектура ечимлари
 - Қувватлантириш манбалари (Электротехник қисм)
 - Иситиш, шамоллатиш, ва хавони тозалаш;
 - Сантехника ва канализация

		<ul style="list-style-type: none"> • Ёнгин ва қўриқлаш сигналлари; • Телефон ва алоқалаштириш; • Видео кузатув; • Ободонлаштириш; • Агар керак бўлса мижознинг илтимосига асосан бошқа масалалар; <ul style="list-style-type: none"> - Г) Лойиха смета ҳужжатларини электрон шаклда Буюртмачига тасдиқлаш учун тақдим этиш - Д) Ўзб. Рес. ВМнинг 20.04.2022йилдаги 200-сонли рилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида қарорига мувофиқ лойиха смета ҳужжатларини тасдиқлаш, шунингдек тегишли ташкилотлар билан келишилган ҳолда (ЎзГАШКЛИТ, СЭО, Ўзсувтаъминот, Худудгазтаъминот, Худудгазтаъминот, Фавкулотда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекэнерго ва буюрмачининг илтимосига биноан бошқа ташкилотлар) - Е) Ушбу лойиха ҳужжатларини объект жойлашган жойда Ўзб. Рес Қурилиш вазирлиги “Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУКда ижобий хулоса олингунга қадар юритиш - Ж) Объектни қуриш тугагунга қадар архитектура назоратини амалга ошириш - З) Зарур бўлганда лойиха смета ҳужжатларига ўзгартириш киритиш
11	Танлов бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Эълон жойлаштирилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида ва 2 кун муҳокамада туриши шарт
12	Танлов вазифаларини расмийлаштиришга доир талаблар:	<p>-Танлов таклифларини расмийлаштиришда танлов иштирокчиси ўз таклифини муҳрланган тўлиқ илова қилиши шарт</p> <p>-Берилган таклифда товар, иш ва хизматларга доир барча маълумотлар акс эттирилган бўлиши шарт.</p> <p>-Умумлаштирилган суммалар инобатга олинмайди.</p>
13	Шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тулов тартиби ҳақидаги ахборот:	<p>-Шартнома баҳоси ва ижрочи билан ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикаси Миллий валютаси сўмда амалга оширилади.</p> <p>-Ижрочи шартнома 2 томонлама имзоланиб олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 20 кунда товар (иш хизмат)ларни топшириши керак. (топшириш банк иш куни) Тулов тартиби:</p> <p>Олдиндан аванс (бўнак) 30% тўлов амалга оширилади.</p> <p>Товар (иш хизмат)лар тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 70% тўлов амалга оширилади.</p>
14	Танловда иштирок этиш учун таклиф қайси тилда тайёрланиши кераклиги	Ўзбек тили (кирилл ёзуви)

15	Тендер таклифларини қабул қилиш	Таклифлар сайтда эълон қилинган кундан бошлаб электрон тарзда қабул қилинади.
16	Молиялаштириш манбаи:	АТ Халқ банки ўз маблаглари ҳисобидан

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
АТ Халқ банки Сурхондарё
вилоят филиали бошлиғи-
комиссия раиси
Т.Х.Турсунов
“07” декабр 2022 йил

**АТ Халқ банки Сурхондарё вилояти Бойсун филиалига янги замонавий
бино қуриш учун лойиха смета хужжатларини тайёрлаш бўйича**
УМУМИЙ ГРАФИГИ

№	Товар, Иш ва хизматлар номланиши	Ишларни бошланиш санаси	Ишларни тугатиш санаси
1	АТ Халқ банки Сурхондарё вилояти Бойсун филиалига янги замонавий бино қуриш учун лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	Олдиндан тўлов амалга оширилган кун	Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан сунг 20кун

**АТ Халқ банки Сурхондарё вилояти Бойсун филиалига янги замонавий
бино қуриш учун лойиха смета хужжатларини тайёрлаш бўйича**
молиялаштириш умумий графиги:

№	Тўлов амалга ошириладиган ойлар	Тўлов хажми % (фоиз)да
1	Олдиндан аванс (бўнак) 30% тўлов амалга оширилади.(олдиндан тўлов)	30%
2	Товар (иш хизмат)лар тўлиқ хажмда бажарилгандан сўнг 70% тўлов амалга оширилади. (бажарилган ишга караб)	70%

Коррупцияга қарши курашиш бўйича

АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф Хукумат уйдан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

_____/_____/

Буюртмачи:



_____/_____/

